



## О'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 20 yil « 25 » август

№ 511

Toshkent sh.

### **Андижон вилоятида ахборот технологияларига ихтисослашган технологик паркни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида**

Андижон вилоятида ахборот технологиялари соҳасини ва дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқариши янада ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, ушбу соҳадаги стартап-лойиҳаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш орқали вилоятда инвестиция муҳитини яхшилаш, ички ва ташқи бозорларда дастурий ҳамда юқори технологияли маҳсулотлар ва хизматларни тарғиб қилишга кўмаклашиш, вилоятда ёшларнинг ахборот-коммуникация технологиялари соҳасига бўлган қизиқишини янада ошириш, уларга замонавий рақамли технологиялар, дастурлаш асослари, электрон тижорат йўналишларини ўргатишга кўмаклашиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласди:

#### **1. Қўйидагилар:**

Вазирлар Маҳкамасининг “Андижон вилоятида аҳоли, шу жумладан ёшлар ўртасида компьютер технологиялари ва Интернет жаҳон ахборот тармоғидан самарали фойдаланишини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 20 ноябрдаги 921-сон қарорига мувофиқ Андижон вилоятида жами 16 та рақамли технологиялар ўкув марказлари ташкил қилиниши белгиланганлиги;

Андижон ахборот технологиялари касб-хунар коллежининг Андижон шаҳри, Бобуршоҳ кўчаси, 2-й манзилида жойлашган бино ва иншоотларида (кейинги ўринларда – объект) Андижон “Digital City” технопарки (кейинги ўринларда – технопарк) ташкил этилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Давлат активларини бошқариш агентлиги ҳамда Андижон вилояти ҳокимлигининг обьектни Андижон вилояти ҳокимлигига давлат мулки сифатида оператив бошқарув ҳукуқи билан бепул бериш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

3. Қўйидагилар технопаркнинг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари этиб белгилансин:

технопаркни буюртмалар билан таъминлаш мақсадида вилоятдаги ташкилотлар учун жорий этиладиган маҳаллий дастурий маҳсулотларнинг устувор лойиҳаларини амалга оширишда маҳаллий буюртмалар портфелини шакллантириш;

вилоятда ахборот технологиялари соҳасида рақобатбардош маҳсулотлар ва хизматларни, инновацион ишланмаларни ишлаб чиқаришга, уларни ички ва ташқи бозорларда таклиф этишга, маҳаллий дастурий маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва уларнинг экспортини амалга оширишга;

юқори технологияли маҳсулотлар ва хизматлар ишлаб чиқариш занжирининг узлуксизлигини таъминлаш мақсадида илмий, таълим, ишлаб чиқариш ташкилотларининг интеграциялашувига;

вилоятида ахборот технологиялари соҳасида янгидан иш бошлаган ва кичик корхоналарга стартап-лойиҳаларни амалга оширишда, инновация фаолияти натижаларини тиҷоратлаштиришга;

маҳаллий дастурий маҳсулотларини ишлаб чиқарувчиларга маҳаллий ва хорижий инвесторларни жалб қилишда, шу жумладан замонавий технологиялар ва дастурий маҳсулотлар трансферини амалга оширишга кўмаклашиш;

вилоятнинг қишлоқ ва сув хўжалиги, таълим, соғлиқни сақлаш, банк ва бошқа соҳаларда рақамли технологияларни жорий этиш орқали ҳамда хорижий давлатларнинг технопарклари билан яқин ҳамкорлик ўрнатган ҳолда вилоятда “рақамли тадбиркорлик”ни ривожлантириш;

вилоятда “5 та муҳим ташаббус” дастури доирасида аҳоли, шу жумладан ёшлар учун компьютер технологиялари ва Интернет жаҳон ахборот тармоғидан самарали фойдаланишга мўлжалланган шаҳар ва туманларда рақамли технологиялар ўқув марказларини ташкил этиш ва фаолиятини мувофиқлаштириш;

вилоятда ахборот технологиялари соҳасида юқори малакали мутахассислар синфини яратиш мақсадида ёш мутахассисларни ўқитишини ташкил этиш, шу жумладан, “Бир миллион дастурчи” лойиҳаси доирасида Андижон вилоятида ёшларни тизимли равишда дастурлаш йўналишида ўқитишини ташкил этиш, ахборот технологиялари бўйича етакчи мутахассислар билан соҳага қизиқувчи ёшлар ўртасида учрашувлар, маҳорат дарслари, конференциялар, тренинглар ва ахборот технологиялари бўйича мавсумий оромгоҳларни ташкил қилиш;

хостинг ва виртуал серверлар хизматлари кўрсатиш мақсадида маълумотлар маркази фаолиятини ташкил этиш;

Ўзбекистонда компьютер ва киберспорт ўйинлари ассоциацияси билан ҳамкорликда Андижон вилоятида компьютер ва киберспорт ўйинларини белгиланган тартибда ташкил этиш.

4. Технопарк фаолиятини бошқариш Андижон вилояти ҳокимлиги муассислигига ташкил этиладиган Андижон “Digital City” технопарки дирекцияси (кейинги ўринларда – дирекция) томонидан амалга оширилади.

Белгилаб қўйилсинки, юридик шахсларни технопарк резиденти сифатида рўйхатдан ўтказиш, шунингдек, истиқболли стартап-лойиҳаларни танлаб олиш Андижон вилояти ҳокимлиги томонидан тасдиқланадиган Андижон

“Digital City” технопарки фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомга мувофик дирекция томонидан амалга оширилади.

5. Белгилансинки, технопаркни ташкил этиш ва унинг фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ харажатлар қуидаги манбалар ҳисобидан молиялаштирилади:

технопарк жойлаштириладиган бино ва иншоотларни реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш, уларни зарур мебель, инвентарь, замонавий ўкув ускуналари, компьютер ва бошқа ташкилий техникалар билан жиҳозлаш – Андижон вилояти маҳаллий бюджети маблағлари ҳисобидан;

технопаркнинг бошқа жорий харажатларини қоплаш – технопаркда ташкил қилинган ўкув курслари ва малака ошириш курсларидан тушган маблағлар ҳисобидан;

шартнома асосида технопарк фаолияти ихтисослигига тегишли ишлар (хизматлар) бажарилишидан олинган маблағлар;

халқаро молия ташкилотлари ва чет эл ҳукуматлари молия ташкилотлари маблағлари;

қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг маслаҳатчиси – IT-технологиялар, телекоммуникацилар ва инновацион фаолиятни ривожлантириш масалалари департаменти бошлиғи О.М. Умаров ва Андижон вилояти ҳокими Ш.Қ. Абдурахмонов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири



А. Арипов